


Хабарингиз
БОРМИ?

Фарғонадан Истанбулга

■ 2021 йилнинг 4-5 февраль кунлари давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи чоғида Фарғонадан Туркия, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари сингари давлатларга тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш вазифаси белги-ланган эди.



Фарғона ҳақиқати

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

Қадим
дўстлик
занғламас.
Халқ ҳикмати.

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati 2021 йил 2 апрель, жума **№ 28** (24521)

Хушхабар

РИШТОН – СЎХ ЙЎЛИ: ДЎСТЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ЙЎЛИ БЎЛИБ ҚОЛАЖАК!

Асрлар мобайнида аҳил-иноқликда, ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлиб яшаб келаётган халқларимизнинг қадрият ва анъаналари, яшаш ва турмуш тарзи ўзаро муштаракдир. Шу боис азалдан ота-боболаримиз ўзбек ва қирғиз халқини бир дарахтнинг икки япроғи сифатида эътироф этиши бежиз эмас.



— Бугун икки қардош халқ учун катта шодиёна, — деди вилоят раҳбари. — Қарийб ўн йилдан буюн берк бўлган чегара постларимизнинг очилиши ҳақиқатан ҳам муҳим воқеадир. Бу борада чегараолди ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб бораётгани янада қувонарли. Халқларимизнинг дўстлиги абадий бўлсин!

Риштон туманида истиқомат қилувчи Турсунхўжа Абдурахмонов азалдан ота-боболаримизнинг бозори ва мазори бир эканлигини таъкидлаб, илдиллари мустаҳкам ўзаро оға-инилик, биродарлик ришталари боқий эканлигини эътироф этди.

Байрам тадбирлари Сўх туманининг Тул қишлоғида жойлашган "Сўх" чегара божхона масканида ҳам давом этиб, тантана қатнашчилари ушбу хушхабар билан бир-бирларини самимий муборакбод этишди. Фарғона вилояти ҳокими ҳамда Боткен вилояти губернатори тадбир иштирокчиларига энг эзгу тилакларини билдирди.

Миллий анъаналарга кўра, икки халқ вакиллари бир-бирларига гулдасталар совға қилиб, зарбоф тўн кийдирдилар.

— Бу йўлнинг очилиши савдо-иқтисодий муносабатларимиз, тадбиркорлик ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Боткен вилоятининг Қадамжой туманида яшовчи тадбиркор Ражабали Худойбердиев. — Ишонимизки, эндиликда ўзаро наҳсулот айир-бошлаш, ҳамкорликда тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш имконияти янада кенгайди.

Қарийб ўн йиллик орзулар рўёбга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги чегара масканларининг очилиши чинакам маънода қутулган воқеа бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, бу йўл — дўстлик, қардошлик, меҳр-оқибат йўли бўлиб қолажак!

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Муқимжон ҚОДИРОВ**
(суратлар)
Фарғона — Риштон — Сўх —
Фарғона.



Ш у йилнинг 1 апрель кунини Риштон туманидан кўшни Қирғизистон орқали вилоятимизнинг анклавидаги қишлоқларимизнинг аҳолиси билан ўтди.

"Риштон" божхона чегара постининг яна ишга тушиши катта шодиёна сифатида нишонланиб, чегара мажмуасида Қирғизистондан ташриф буюрган меҳмонлар кенг жамоатчилик ҳамда ёшлар вакиллари иштирокида карнай-сурнай садолари остида қутиб олинди.

Тадбирда сўз олган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда Боткен вилояти губернатори Омурбек Суваналиев ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги самимий дўстлик, қардошлик муносабатларининг бугунги янги босқичида барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалар кенгайиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.



ИЛК АВИАҚАТНОВ АМАЛГА ОШИРИЛДИ



Ш у йилнинг 31 март кунини "Фарғона" халқаро аэропортидан "Фарғона — Истанбул" йўналиши бўйича илк авиақатнов амалга оширилди.

"Фарғона" халқаро аэропортининг ташишни ташкиллаш хизмати бошлиғи ўринбосари Эркин Обидовнинг қайд этишича, Фарғона водийсидан 140 нафар ҳамюртларимиз 5 соату 30 дақиқа давомида қардош юртга хавфсиз парвоз қилиши учун энг замонавий самолёт ажратилди. Бундан буюн бир ҳафтада икки маротаба Фарғонадан Туркияга мунтазам равишда авиақатновларни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Айни пайтда "Фарғона" аэропортидан Дубай, Сеул шаҳарларига ҳам халқаро авиарейслар қатновини ташкил этиш борасида музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Урганч каби йўналишларда ички парвозларни янада кенгайтириш кўзда тутилган. Шохруҳ Мамажонов туризм йўналишида

ҳамкорлики йўлга қўйиш, Дониёр Шералиев ишлаш мақсадида Туркияга учиб кетмоқда. — Тадбиркор сифатида хорижга кўп бора-ман, — дейди Муҳаммаджон Уринбоев. — Вақт ва кўшимча харажат сарфлаб, Тошкентдан учиб баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Фарғонадан тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани бизни беҳад мамнун этди. Фарғонанинг инвестициявий салоҳиятини юксалтириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, туризмни ривожлантиришда бу каби қулайликлар яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу кунини "Фарғона" халқаро аэропортидан дастлабки йўловчилар кема командири Артур Артунян бошчилигидаги учувчилар бригадаси билан замонавий ҳаво лайнерида Истанбулга парвоз қилдилар.



Ботир МАДИЁРОВ.
Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

КҮН
МАВЗУСИ

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ



Фарғона шаҳридаги еттига оилавий поликлиникада коронавирუსга қарши оммавий эмлаш тадбирлари бошланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиб асосида биринчи босқичда 65 ёшдан ошганлар ва тиббиёт ходимлари эмланиши лозим.



— Д астабки кунда 70 нафардан ортиқ шахс эмланиши кўзда тутилган. Биринчи навбатда шифокор кўригидан ўтилади, — дейди Фарғона шаҳар тиббиёт

бирлашмаси бошлиғи Мухиддин Шокиров. — Агар унда қарши кўрсатма аниқланса, жараён кечиктирилади. Соғлом инсонга вакцина юборилгандан сўнг 30 минут кузатув хонасида назоратда бўлади. Вирүсга қарши эмланганларнинг аҳолидан шифокорлар 3 кун мобайнида хабар олишади. Иккинчи босқич 12-24 кундан сўнг амалга оширилади.

Вилоят бўйича аҳоли электрон базаси асосида қарийб 40 минг нафар шахслар AstraZeneca вакцинаси билан эмланиши режалаштирилган. Сўнгра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари эмланади.

— Вирүсга қарши вакцинани биринчилардан бўлиб кўнгилли равишда олдим. Жараён санитария-гигиена ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилмоқда. Унинг ҳеч қандай ноҳўя таъсирини сезмадим, — дейди 71 ёшли Авазбек ота Абдурахмонов.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

Шерзод ҚОРАБОЕВ
олган суратлар.

Бизнесингиз учун жой керакми?

Вилоятдаги кичик саноат зоналари сизни кутмоқда

ТАДБИРКОРЛАРГА КАТТА ИМКОНИЯТ

“Фаргонанинг ислохотчиси” деган эзгу гоя асосидаги савъ-ҳаракатлар тизими давом этмоқда. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг маълумотига кўра, республикада февраль ойидаги ишбилармонлик фаоллиги индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга ошган. Хусусан, Фаргона вилоятида 51,3 фоиз ўсиш кузатилади ва бу энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган. Шаҳар ва туманларимизда ташкил этилаётган кичик саноат зоналари ҳам тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўйбога чиқаришида муҳим аҳамиятга эга. Вилоят ҳокими ўринбосари, инвестициялар ва ташки савдо бошқармаси бошлиғи Мухсинхўжа АБДУРАХМОНОВ мазкур йўналишдаги ишлар ҳусусида куйидагиларни гапириб берди.



Кичик саноат зоналари тадбиркорларга қўшимча қулайлик ва имконият яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ҳудуд саноат салоҳиятини ошириш, иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари. — Ривожланган ҳорижий давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, саноатни технологик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим механизмларидан

бири индустриал парклар, технополислар ва саноат зоналари ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 та, Германияда 200 та, Туркияда 262 та, Вьетнамда 200 га яқин индустриал парклар фаолият юритмоқда. Мазкур зоналар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик базасини шакллантириш, ишлаб чиқариш жараёналарига инновацияларни жорий этиш ҳамда юқори сифатли маҳсулотлар яратиш ва хизмат кўрсатишни таъминлашда асос ролини ўйнамоқда.

Кичик саноат зоналарининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратсак.

Биринчидан, мазкур зоналарда янги иш ўринлари яратилиб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари” дагиларининг бандлиги таъминланади.

Иккинчидан, мазкур ҳудудларда асосан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда ҳам мазкур жиҳатга муҳим эътибор қаратилади. Тадбиркорлар ҳудуд ёки ҳар бир маҳалла кесимида “Ўсиш нуқталари”дан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни амалга ошириши самарадорликка хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулотларни ички бозор билан биргаликда экспортга йўналтириш кўзда тутилган.

Учинчидан, шаҳар ва туманларимиздаги кичик саноат зоналарида лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида ҳудуднинг саноат салоҳияти ошади. Биргина солиқларнинг ўзи маҳаллий бюджетга тушиб, маблағлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишга сарфланади.

Афсуски, ҳозирча ҳудудларимизда бу мақсадга эришилгани йўқ. Демак, туман, шаҳар ҳокимлари, мутасаддилар ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишлари керак бўлади. Кичик саноат зоналари давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизда яратилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда умумий ер майдони 660,2 гектар ҳамда 174 минг квадрат метрдан зиёд бино ва иншоотларга эга бўлган 91 та кичик саноат зоналари мавжуд. Шулардан 23 та ёки 165 гектар ер майдонида “Ешлар кичик саноат зоналари” ташкил этилган. Шунингдек, керакки, бу ҳудудларда тадбиркорларнинг фаолият юритишлари учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси яратиб берилмоқда. Электр энергия, сув, табиий газ, йўл масалаларида ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Бу зоналарга Маъмурий кенгаширинг

қарорлари билан 1049 та лойиҳалар жойлаштирилган, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 23 минг 856 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

23 та “Ешлар кичик саноат зонаси”да умумий қиймати 422,7 миллиард сўм бўлган 410 та лойиҳалар танлаб олиниб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳалар асосан қурилиш, мебель, енгил саноат, фармацевтика, чарм пойабзал каби йўналишларда ташкил этилган.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 74 та лойиҳалар ишга туширилган бўлиб, улар томонидан ўтган йили 107,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 640,8 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган. Йил якунига қадар 97 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 3500 дан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Тадбиркорларга енгилликлар яратиш мақсадида 2020 йилда коронавирус пандемияси даврида кичик саноат зонасида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг 370,1 миллион сўмлик ижара ҳақлари кечиб берилди. Барча тадбиркорларимизни шаҳар ва туманларимиздаги кичик саноат зоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга таклиф этамиз.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

БИЗ – СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ



Азизбек САЙДАЛИЕВ, Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси бош директори:

— 2021 йили вилоятдаги кичик саноат зоналари (КСЗ)да амалга ошириш учун мутахассисларимиз томонидан 62 млрд. сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Ҳозирги кунда Қўқон шаҳри, Бувайда, Фаргона ва Олтиариқ туманида жойлашган КСЗда асосий таъминот тикланди. Қўқон шаҳридаги КСЗда 1,5 км. тармоқ тортилиб, 36 та бетон таянч устунлар ўрнатилди. Олтиариқда ташкил этилган КСЗ учун 207 млн. сўм маблағ сарфланди. Электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Марғилон шаҳрида жойлашган Надирмат КСЗга захира тармоқ тортиб келинди.

Биз КСЗга марказлашган ҳолда электр таъминоти етказиб бериши учун масъулимиз. Корхона ҳудудига тармоқ тортиш харажатлари тадбиркорлик субъектлари зиммасида бўлади.



Улуғбек ҚУЧҚОРОВ, “Hududgaz Farg’ona” газ таъминоти филиали директори:

— Мутахассисларимиз томонидан шаҳар-туманлардаги 88 та кичик саноат зонасини табиий газ билан таъминлаш имконияти ўрганилди. Маълум бўлишича, 45 та КСЗни табиий газ билан таъминлаш имконияти мавжуд. 31 та КСЗ жойлашган ҳудудлар суолтирилган газ таъминотига ўтказилган бўлиб, уларда муқобил ёқилги туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Кичик саноат зонасида жойлашган ҳар бир тадбиркорлик субъектини табиий газга бўлган эҳтиёжи аниқ бўлган, тармоққа уланиш жойи, тармоқ тортиш узунлиги ҳамда сарфланадиган маблағ ҳисоб-китоб қилинади.

Саноат зонасига умумий тармоқ тортилиши учун масъулият бизнинг зиммасида. Тадбиркорлик субъектлари лойиҳа ҳужжатлари асосида ўз ҳудудига табиий газ тармоғи тортилиши ва қонуний асосда фойдаланиш учун бевосита масъул ҳисобланади.



Муроджон ЙЎЛШОВЕВ, “Фаргона сув таъминоти” МЧК раҳбари:

— Фаолият кўрсатаётган ва янгитдан ташкил этилиши режалаштирилган кичик саноат зоналари бўйича ичимлик ва оқова сув таъминоти, янги тармоқлар тортишга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоб қилинди. Шу асосда вилоят кичик саноат зоналари бошқаруши дирекциясига таклифлар берилди.

Ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, тадбиркорларни қўйиётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари

қўйилди. Бу борада Бағдод, Учқўприк ва Тошлоқ туманларидаги КСЗларда мавжуд ҳолат ўрганилиб, таклифлар ишлаб чиқилди, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Корхонамиз томонидан КСЗда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари чегара ҳудудига сув тармоғи бюджет маблағи ҳисобидан тортилади. Шундан сўнг тадбиркор тармоқни ичкарига олиб кириб, ундан бемалол фойдаланиши мумкин.



Турбожон ҚУНДУЗОВ, Марказий банкнинг Фаргона вилояти бош бошқармаси бошлиғи:

— Кичик саноат зоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банклар тижорат йўналишидаги миллий ва ҳорижий валютада бериладиган кредитларни тақдим этиши мумкин. Кредитлар камида 3 йил, лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан кўпроқ муддатга ҳам берилди.

Корхонанинг айланма маблағини шакллантириш мақсадида ҳам 18 ойгача бўлган муддатга кредитлар ажратилади.

Кредитлар қарз олувчи ва банк ўртасида тузилган шартнома асосида келишилган фойдаланишда тақдим этилади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жағмагармасининг компенсация хизмати орқали миллий валютада кредитнинг 5 фоиз, ҳорижий валютада 3 фоиз қисмига имтиёз берилди. Кафиллик хизмати бўйича кредитнинг 50 фоиз қисми учун гаров таъминоти масаласи ҳал этилиши мумкин.



Обиджон ЖЎРАЕВ, вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи:

— Йўллар бежизга иқтисодиётнинг қон томири сифатида эътироф этилмайди. Кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда ҳам йўллар сифати муҳим аҳамиятга эга. Ўрт раванқ-ривож учун инвестиция киритилган, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини муқим даромад манбаига эга бўлишини таъминлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жуда ҳам зарур. Бунинг учун уларга энг муҳим инфратузилма – йўл сифатини яхшилаб бериш

лозим. Бевосита вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятдаги барча кичик саноат зоналари ички йўллари асосини яратиш, шағал ётқизиш, асфальт қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу борада маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан кенг қўллаш ишларни бажариш ва бунинг самараси сифатида КСЗларда қулай тадбиркорлик муҳити яратиш режалаштириляпти.

Сўхбатни Ботир МАДИЁРОВ эътибор қилди.

Кичик саноат зонасида бизнесингиз учун ер ажратилиши масаласида

КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Шаҳар ва туманлар	Кичик саноат зоналари сони	Шаҳар-туман ҳокимларининг масъул ўринбосарлари ва мутахассислари	Телефон рақамлари
Фаргона ш.	4	Атабаев Маҳмуд Алишерович	91-669-87-77
Марғилон	5	Акрамов Саидмурхон	97-215-00-75
Қўқон	1	Расулов Яҳё Баҳромович	90-506-19-12
Қувасой	9	Нишанқулов Салимжон Алижонович	94-132-83-00
Беҳариқ	4	Йўлдошев Элёржон Абдуманнонович	97-210-44-15
Бағдод	8	Қосимов Юнус Юсупович	99-933-72-40
Бувайда	3	Худобердиев Афзал Собиржонович	90-162-77-66
Данғара	8	Нурматов Баркамол Бурхонович	99-362-22-78 94-440-77-80
Ёзёвон	5	Омонов Исроилжон	90-302-82-15
Қува	3	Сиддиқов Аҳроржон Мухаммедович	91-105-48-00
Олтиариқ	1	Муталипова Шаҳноза Авазбек қизи	91-157-84-87
Қўштепа	3	Акбаров Ойбек Маҳмудович	90-633-99-33
Риштон	4	Жўрабоев Қаҳҳоржон Набижон ўғли	98-141-15-11
Сўх	5	Тожибоев Илҳомжон Исмоилжонович	99-363-72-00
Тошлоқ	7	Ўлмасов Иқболжон Содикжонович	90-580-22-22
Ўзбекистон	5	Машрабжонов Оятилло Алишер ўғли	90-360-33-55
Учқўприк	3	Маматқулов Рўзали Абдухамидович	97-596-62-30
Фаргона т.	6	Аҳмедов Шермуҳаммад Шухратович	95-404-00-01
Фурқат	4	Танибердиев Музаффаржон Муробович	90-150-87-78

ТАНЛОВ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

КСЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари Маъмурий кенгаш томонидан бўш майдонлар, бино ва иншоотлар мавжуд бўлганда, икки ойда камида бир марта ўтказиладиган танлов асосида танлаб олинади.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг асосий мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

— Маъмурий кенгаш томонидан белгиланадиган тармоқ ҳусусиятига мувофиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

— янги иш ўринларини яратиш;

— пил билан ифодаланадиган қийматга эга бўлган инвестицияларни қонун ҳужжатларида зид бўлмаган шаклларида киритиш;

— муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўлланган ҳолда, замонавий энергия тежовчи тизимлар ва техноло-

гияларни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган ва (ёки) экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар турлари, материаллар ва бўлтовчи буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

Маъмурий кенгаш томонидан инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш бўйича танлов ўтказилади. Яратиладиган янги иш ўринлари сони, рақобатбардор, харидор-ғир, экспортга йўналтирилган ва (ёки) импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик изчил заنجирини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда ҳозирбадор инвестиция бу-

юртманомаси энг яхши инвестиция лойиҳаси деб тан олинади. Танлов фойли билан лойиҳани бажариш бўйича битим тузилади. КСЗ ҳудудида ер участкалари 10 йилгача узок муддатли ижарага берилди.

Ижара шартномасининг барча шартларини бажарган ижарачи ер участкаси узок муддатли ижарасининг муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берилган ер участкасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзи томонидан қурилган бинолар ва иншоотларга улар фойдаланишга топширилган таърифидаги далалатнома расмийлаштирилгандан сўнг бир ой муддатда ижарачига эгаллик ҳуқуқи берилди.

РЕПОРТАЖ



Бекзод Қодиров: «Бўлар экан-ку!»

Қирғули қир-адирлари билан туташиб кетган Тошлоқ туманидаги Бешолиш даҳаси қурувчи ёшлар билан гавжун. Бу ерда 5,5 гектар майдонда “Ешлар” кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда.

эдик. Уйимиздан олис бўлмаган жойда бунёдкорликлар бошланганини эшитиб келдик. Шу кунга қадар янги корхона атрофида девор тикладик. Энди ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишига киришдик. Ишларни тез ва сифатли амалга ошириш учун шароитлар етарли. Ойликларимизни ўз вақтида оляимиз, иссиқ овқат, келиб-кейтиш учун транспорт бор.

Асрлар давомида қуриб-қақшаб ётган, тош-шағалдан иборат майдонларда йўл, сув, электр, табиий газ таъминоти оғир муаммолардан бири бўлиб келган. Бунун ушбу маскан манзараси шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу ер 22 нафар ёшларга ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун бўлиб берилди.

“Ешлар” кичик саноат зонасига “Нексия” автомобили келиб тўхтади. Узини Бекзод Қодиров деб таништирган ёш тадбиркор билан кечган сўхбатимиз мароқли бўлди.

Автомобиль эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланиб келган тадбиркор мустақил ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган. Унинг таклифи туман мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланди, кичик саноат зонасида 10 сотих ер майдони ажратиб берилди.

— Илгари бир қарич ер олиш мушкул эди. Бўлар экан-ку! — дейди “Беҳрўзбек Осиев тараққийоти” оилавий корхона раҳбари. — Бу ерда умумий қиймати 2 миллиард сўм бўлган лойиҳани амалга оширяймиз. Янги тармоқ шу йилнинг 4-чорагида ишга тушади. 15 нафар ёшлар иш билан таъминланди, кунига 5 тоннадан ортиқ пайвандлаш учун электродлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Кичик саноат зонасида инфратузилма тармоқлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилётгани истикболли лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, янги маҳсулот ва иш ўринлари

яратишда қўл келади. — Ҳар кун қурувчи ва лойиҳа ташаббускорлари билан мулоқот қилиб, муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Тошлоқ тумани инвестиция ва ташки савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Илҳомжон Абдулазизов. — Шу кунга қадар 2 километрдан ортиқ юқори кучланишли электр узатмалари тортилди, янги подстанция ўрнатилди. Йўл, табиий газ, сув тармоқларини қуриш ишлари якунланди.

Кичик саноат зонасида тадбиркорларга 10 сотихдан — 1 гектаргача ер майдони ажратилган. Қиймати 45 миллион 893 миллион сўм бўлган лойиҳалар доирасида қурилиш, мебель, калава ип, пластмасса маҳсулотлари, озик-овқат, мевани қайта ишлаш сингари ўнлаб корхоналар ишга тушади, 634 та иш ўрни яратилади.

Исфайрамғой қирғоқлари бўлиб ястаниб кетган “Қанжирга” МФЙда олиб



борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳудудда янгидан-янги иш-лаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бинолари қад кўтаришга имконият берди. Халқимизга хос яратувчанлик салоҳиятини намоён этаётган бу лойиҳалар қўнча масканга янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда.

Расулжон КАМОНОВ. Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган суратлар.

Бетон қориштираётган, гишт тараётган қурувчилар, йўлсозлар, қудратли техниклар ҳаракати бир зум тўхтагани йўқ. Эътиборимизни гишт тараётган ёшлар ҳаракати тортди. “Хорманлар” дея улар томон юзландик. Қурилиш майдонида басма-басига

меҳнат қилаётган қурувчилар юзюда мамнунлик ҳукмрон. — Саломат бўлинглар, — дея бизга пешово чиқди кенг пешона, очик чеҳрали ўрта ёшдаги йигит. Қурувчи ёшлар бригадаси сардори Аббосжон Тожибоевни сўхбатга чорладик. — Наваҳор қишлоғидан келганмиз. Иш излаб ўзга юртларга борар

Вилоят ҳокими
ҚАБУЛИДА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТИ

ҳаёт йўлида адашганларни кечириш ва тўғри
йўлга бошлашга қўмаклашади



Президентимизнинг 2021 йил 18 мартдаги "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони асосида вилоятимиздан 10 нафар шахслар афв этилди. Уларнинг 6 нафари жазони ижро этиш муассасаларидан шартли равишда муддатидан олдин озод этилган бўлса, 4 нафарининг жазо муддати қисқартирилди. Озод этилганлар Марғилон шаҳри, Кува, Фурқат, Бағдод, Бувайда ва Фаргона туманларидан бўлиб, барчаси яшаш манзилларига етиб келди. Айни кунларда мазкур фуқароларнинг муаммоларини аниқлаш, бандлигини таъминлаш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида дахлдор идоралар ҳамкорлигида изчи савйя ҳаракатлар олиб борилмақда.

Абдуллажон Солиев ҳамда Фаргона туманида яшовчи Зафаржон Мирзаев билан самимий мулоқот ўтказиб, жамиятимизда ўз ўринларини топиб, соғлом ҳаёт тарзига мослашишлари учун барча шароитлар яратиб берилишини таъкидлади. Озодликка чиққан ҳамюртларимизни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, бандлигини таъминлаш, фуқаролик паспортини олиш, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази томонидан бир марталик моддий ёрдам берилиши бўйича масъул идоралар раҳбарларига аниқ вазифалар топширилди. — Ҳаётда адашиб, зояк йиллар давомида кадрдон оилам, яқинларим дийдоридан бенасиб яшадим, — дейди Фурқат туманида истиқомат қилувчи Валижон Абдурахмонов. — Бундан буён хатоимдан тўғри хулоса чиқариб, менга билдирилган ишончни оқлашга, сидқидилдан меҳнат қилишга ҳаракат қиламан. Юзма-юз мулоқотда имтиёзли кредит ажратиш, ишга жойлашиш, уй-жой шароитларини яхшилаш, фарзандлар тарбияси каби муҳим ҳаётий масалалар жиддий муҳокама этилди.

Ботир МАДИЁРОВ.
Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

Аҳоли саломатлиги йўлида

— 19 йилдан бери гемодиализ (сунъий буйрак) муолажасини олиб келаман. Олдин Шакар қишлоқда битта аппарат бўлган, у бузилиб қолса, Тошкентга борардим. У ерга бутун республикадан беморлар нажот истаб келгани учун баъзан навбат етмай қоларди. Жонингиз оғриб турса, дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга рози бўлар экансиз. Гемодиализ учун Қозоғистонга ҳам тез-тез қатнаб тураман. Бу муолажани ҳафтада уч марта олиш керак. Шундай пайтлар бўлардики, баъзан навбат етмай, баъзан аппарат бузилиб қолиб, муддатидан ўтиб кетарди. У пайтдаги оғриқни сўз билан ифодалаб беролмайман. Худога шукр, мана шаҳримизга 15 та янги гемодиализ аппарати олиб келинди. Сарсон-саргардонликларимиз орта қолганига жудаям хурсандман. Ҳукуматимизга, шу ишнинг бошида турган инсонларга чексиз миннатдорчилик билдираман, — дейди Фаргона шаҳрида истиқомат қилувчи 48 ёшли Исломжон Маҳмудов.



ФАРҒОНАГА 15 ТА ГЕМОДИАЛИЗ АППАРАТИ ОЛИБ КЕЛИНДИ

Беморлар вилоят ҳокими
Хайрулло Бозоровга алоҳида
миннатдорчилик билдирмоқдалар

Марғилонлик 33 ёшли Мамлакат Ҳамидова эса 11 йилдан буён сунъий буйрак ёрдамида яшаб келмоқда. У айни балоғатга етган пайтда қаттиқ шомолаб, буйрағидан айрилиб қолган. "Яшيامки шундай аппаратлар, гамхўр шифокорлар, инсонпарвар ҳукуматимиз бор экан. Бўлмаса, пешобнинг танага тарқалиши оқибатида қорним, оёқларимдаги шишиқлар, нафас қисими, қон босимим кўтарилиши каби қатор азобларга бардошим етмасди..." — дейди у. Мамлакат буйрак етишмовчилиги ҳасталиги билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги вилоят бошқармасига мурожаат қилгандаёқ, уни рўйхатга олишиб, режалар муолажасини олиб келиниши натижасида биз ўша беморларнинг 80-100 нафарини қамраб оламиз. Бу шунча кишининг ҳаёти сақлаб қолинади, дегани. Фаргона шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетяпти. Энди мен каби неча беморлар

яшаб қолади, оғриқлардан ҳалос бўлади, узоғи яқинлашади. Шунанга шароитлар яратиб бергани учун раҳбарларга, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман". — Вилоятда айни пайтда режалар гемодиализ муолажаси олаётган беморлар 218 нафарни ташкил этса, аппаратлар сони камлиги, турли сабабларга кўра яна 260 нафар бемор гемодиализга муҳтож эди, — дейди гемодиализ бўйича вилоят бош мутахассиси Иқболжон Абдуллаев. — **Беш йил аввал Фаргона вилоятида ўн та гемодиализ аппарати мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда улар сони 38 тага етди.** Вилоят маҳаллий бюджетидан ажратилган 2 млрд. 300 млн. сўмдан зиёд маблағ эвазига Германиядан 15 та гемодиализ аппарати, 500 миллион сўмлик сарфлов воситаси олиб келиниши натижасида биз ўша беморларнинг 80-100 нафарини қамраб оламиз. Бу шунча кишининг ҳаёти сақлаб қолинади, дегани. Фаргона шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетяпти. Энди мен каби неча беморлар



гия диспансери қошида 5 та гемодиализ аппарати мўлжалланган "Экстракорпорал детоксикация" (гемодиализ) бўлимлари ташкил этилди. Аппаратлар Туркия ва россиялик мутахассислар жалб қилинган ҳолда синовдан ўтказилиб, ўрнатилди. — Германиянинг "Fresenius Medical Care" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган гемодиализ аппарати бир сўмга тўрт нафар беморга хизмат кўрсатади, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Одилжон Умаров. — Битта муолажага 4 соат, гемодиализ аппаратининг ўзини ўзи тозалашга эса 5 соат вақт сарфланади. У орқали инсон танасидаги захар ва пешоб чиқариб ташланади. Сунъий буйрак ёрдамида 18-20 йиллаб яшаётган беморларимизнинг борли-

ги бизни қувонтиради. Ўзбекистон шароитида энг юқори кўрсаткич — 20 йил (Фарғонада), 12 йил — Тошкентда. Янги аппаратларнинг олиб келиниши билан вилоятимиздаги беморларни ўзимиз қамраб олишга эришамиз. Уларнинг бошқа вилоятлар ёки давлатларга бориб давола-нишга ҳожат қолмайди. Фурқат, Бағдод туманлари ва Марғилон шаҳрида қўшимча гемодиализ аппаратларини ўрнатиш билан бирга туманларо иختисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларини ташкил этишининг режалаштирилган ҳам диспансер назоратидаги беморларнинг узоғини яқин қилиш учундир.

Севара АЛИЖОНОВА.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Долзарб мавзу

СУБСИДИЯ КИМГА, НИМА УЧУН БЕРИЛАДИ?

Моҳиятан аҳолининг уй-жойга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган субсидия тизими Фарғонада ҳам амалий тус олди. Вилоятда 2020 йилда субсидия асосида уй-жой сотиб олиш учун келиб тушган жами 4978 та аризонинг 1219 тасига ижобий хулоса берилган.

Субсидия ўзи нима? У фуқаролар учун қанчалик манфаатли? Бу саволларга масъуллардан жавоблар олдик. **Асилбек НЕЪМАТОВ, вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш бош бошқармаси мутахассиси:** — Субсидиялар — даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фойз тўловларининг бир қисmini қоплаб бериш мақсадида давлат бюджетидан тўланадиган ва қайтариб берилмайдиган маблағдир. У фақатгина кам даромадли, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоифадаги бошқа Ўзбекистон фуқароларига ажратилади. Меҳнат мигрантларининг номидан оила аъзолари ҳам ариза бериши мумкин. Субсидия олиш учун аризани давлат хизматлари марказлари ёки пу.gov.uz портали орқали электрон тарзда бериш мумкин.

Субсидия олиш тартибига кўра, масъул органлар вакилларидан шакллантирилган махсус комиссия ариза берувчиларга ижтимоий мезонлар бўйича балл беради. Балл тўлаш учун мезонларда талабдор ва унинг оиласи даромади, турар жой мақоми, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлиги, шунингдек, оилада ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар алоҳида инобатга олинади. Такдим этилган ҳужжатлар ҳаққонийлиги масъул органлар томонидан текширилади. 2021 йил 2 июндан бошлаб субсидиялар тўлашининг соддалаштирилган тартиби жорий қилинади. Унга мувофиқ, фуқаролар томонидан субсидия олиш учун аризалар йил давомида топширилади. Субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига у билан бирга



яшамётган яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилиши мумкин. Шунингдек, ариза берувчининг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали олиш мумкин бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади. Вилоятимизда жорий йил мобайнида 1790 та, шундан шаҳарларда 590 та, қишлоқ жойларда 900 та квартиралар, шунингдек, 300 та яқка тартибдаги уй-жойлар учун ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратилиши кўзда тутилган. Бунда субсидия асосида олинмаган квартира майдонининг энг кўп меъёри 70 кв. метрни, уй қийматининг энг кўп миқдори эса 363 млн. сўмни ташкил этиши белгиланган. **Фаррух САЙДАЛИЕВ, вилоят молия бошқармаси мутахассиси:** — Ўтган йил якунига қадар субсидия олиш учун ижобий хабарнома олган 230 нафар фуқарога уй-жой учун жами 5 млрд. 986 млн. 367 миң сўм субсидия маблағлари берилди. Жойларда янги уйларнинг тегишли қад-дастр ҳужжатлари тайёр бўлмаганлиги ёки фуқаролар томонидан бошланғич тўловнинг субсидиядан ташқари қисmini қоплашга етарли маблағ жамгарилмаганлиги сабабли уларга тегишли маблағлар ажратилмай келинмоқда. Тартиб-тамоийлга кўра, уй-жой сотиб олиш учун субсидия такдим этиш тўғрисидаги хабарнома улар берилган вақтдан бошлаб 12 ой давомида амал қилади. **Матруфжон САЙДАЛИЕВ, "Ишонч" Ипотека банк хизматлари маркази бош мутахассиси:** — Банкмииз томонидан 435 нафар фуқароларга субсидия асосида ипотека кредитлари олиш учун ижобий хулоса берилган бўлиб, айни пайтга қадар 210 нафар фуқароларга субсидия маблағлари ажратилди. Қолган фуқароларнинг қўлида субсидия олишни кафолатловчи хабарномаси

Дилнавоз Қўлдошева.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 6186-сонли Фармони асосан "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК томонидан 2021 йилда «Осиё тараққиёт банки» иштирокида қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларига қўйилган шартнома (лот)лар рўйхати

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сони	Беш қаватли, бир подъездли, 20 квартиралар 2, 3 хонали уйлар			Беш қаватли, уч подъездли, 30 квартиралар 2, 3 хонали уйлар			Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
				Сони	Квартира	Уй рақами	Сони	Квартира	Уй рақами	
Фаргона вилояти										
190	Бешариқ	Адиқоробод	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 11.00	
191	Бешариқ	Адиқоробод	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 11.00	
192	Бағдод	Мурувват	20	1	20	1			2021 йил 30 апрель, 11.00	
193	Бағдод	Мурувват	20	1	20	2			2021 йил 30 апрель, 11.00	
194	Бағдод	Мурувват	20	1	20	3			2021 йил 30 апрель, 11.00	
195	Бағдод	Мурувват	20	1	20	4			2021 йил 30 апрель, 11.30	
196	Бағдод	Мурувват	20	1	20	5			2021 йил 30 апрель, 11.30	
197	Бағдод	Мурувват	20	1	20	6			2021 йил 30 апрель, 11.30	
198	Бағдод	Мурувват	20	1	20	7			2021 йил 30 апрель, 11.30	
199	Бағдод	Мурувват	20	1	20	8			2021 йил 30 апрель, 11.30	
200	Бағдод	Мурувват	20	1	20	9			2021 йил 30 апрель, 12.00	
201	Бағдод	Мурувват	20	1	20	10			2021 йил 30 апрель, 12.00	
202	Бағдод	Мурувват	20	1	20	11			2021 йил 30 апрель, 12.00	
203	Бағдод	Мурувват	20	1	20	12			2021 йил 30 апрель, 12.00	
204	Бағдод	Мурувват	20	1	20	13			2021 йил 30 апрель, 12.00	
205	Данғара	Қизилмушт	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 12.30	
206	Данғара	Қизилмушт	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 12.30	
207	Олтиариқ	Катпўт	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 12.30	
208	Олтиариқ	Катпўт	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 12.30	
209	Олтиариқ	Катпўт	30			1	30	3	2021 йил 30 апрель, 12.30	
210	Кува	Турк	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 14.00	
211	Кува	Турк	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 14.00	
212	Риштон	Нурафшон	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 14.00	
213	Риштон	Нурафшон	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 14.00	
214	Тошлоқ	Ахшак	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 14.30	
215	Тошлоқ	Ахшак	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 14.30	
216	Тошлоқ	Ахшак	30			1	30	3	2021 йил 30 апрель, 14.30	
217	Учқўприк	Тожиқ	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 14.30	
218	Учқўприк	Тожиқ	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 14.30	
219	Фаргона	Янги аср	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 15.00	
220	Фаргона	Янги аср	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 15.00	
221	Фурқат	Ғунча	30			1	30	1	2021 йил 30 апрель, 15.00	
222	Фурқат	Ғунча	30			1	30	2	2021 йил 30 апрель, 15.00	

Бағдод тумани 30-ўрта таълим мактабини 2013-2014 ўқув йилида тамомлаган Хурсанбоев Достонбек Давлатжон ўғли номига берилган О'Р-ШН 6680949 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Олтиариқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Олтиариқ тумани 2-сонли касб-ҳунар мактабини) 2010 йилда тамомлаган Абдуллаева Дилноза Абдухакимовна номига берилган К 1776404 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона нефть ва газ саноати коллежини 2017 йилда тамомлаган Дадажонов Исломжон Хасанжон ўғли номига берилган К 4803686 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Фаргона тумани, "Аввал" МФЙ, "Мурувват" кўчаси, 4-ўйда жойлашган "Farg'ona Javohir-kelajagi" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Фаргона шаҳар, Авиасозлар кўчаси, 1-ўйда жойлашган "Alsa-br-bino" оилавий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЭЪТИРОФ

Меҳри шифо ШИФОКОРЛАР

Азалдан болажон халқмиз. Оилада чақалоқ дунёга келиши байрам бўлиб кетади. Гўдакнинг соғлиғи меъёрида бўлса-ку, яхши...

Вилоят перинатал маркази қошидаги чақалоқлар ҳасталиги бўлимига кириб борарканмиз, аввало, бу ерда хизмат қилаётган раҳбар ва ходимлар ўртасидаги самимият, дўстона муносабат эътиборимизни тортиди.

— Бўлимимизда кам вазли, етишмовчилиги бор, хаста ва нуқсонли чақалоқлар парвартишланади. Аниқроғи, 28 кунгача ёшдаги чақалоқлар учун мўлжалланган, — дейди бўлим мудири Нилуфар Тўхтасинова.

— Бу ерда чақалоқлар назоратга олиниб, тўлиқ даволанади ва соғайгач, оналар ихтиёрига топширилади. Шу жиҳатдан вилоятда ягона бўлим ҳисобланади. Врачлардан тортиб ҳамшира-ю санитарларгача доим ҳушёр

туришади. Чунки ҳали тўлиқ ривожланиш босқичига ўтмаган мурғакнинг ҳолати ҳар сонияда ўзгариб қолиши мумкин.

Бўлим ходимлари марказ бош врачлари Мадҳия Суяркулова, бош доя Солияхон Каримова, неонатал ишлар бўйича бош врач ўринбосари Умида Касимовалар номини "Касбининг фидойиси, самийинг инсон, ҳалол раҳбар, миннатсиз устоз" деб эътироф этишди.

— Шифокорликда ҳамиша изланиш, ўқиш зарур. Инсонларнинг руҳиятини, ички оламини ҳам ўрганишга тўғри келади. Аиниқса, мен ишлаётган бўлимда оналарнинг кайфияти, ўзини тутиши катта аҳамиятга эга, — дейди бўлим катта ҳамшираси Дилафрузхон Камолова. — Чақалоқларнинг соғлом дунёга

келишида оналар саломатлиги мумкин. "Соғлом она — соғлом бола" деб беҳиз айтилимаган, ахир. Зеро оиладаги муҳит, турмуш шароитининг яхши эмаслиги, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳ, ҳомиладор аёллар саломатлигига эътиборсизлик каби сабаблар ҳам нуқсонли гўдаклар туғилишига олиб келади.

Перинатал марказда куну тун фаолият кўрсатувчи 1003 — тезкор алоқа хизмати йўлга қўйилган бўлиб, турли муаммо ва масалалар билан мурожаат қилувчи аёллар ва қизларга беминнат маслаҳат берилади, руҳий-психологик жиҳатдан кўмаклашилади. Бу борада мазкур бўлим шифокорлари ҳам фаол қатнашади.

— Бўлимимизда даволанаётган чақалоқлар келгусида буюқ инсонлар, Ватанимиз қорига ярайдиган шахслар бўлиб камол топишига ишонаман, — дейди тажрибали ҳамшира Шаҳноза Ҳошимова. — Негаки, улар давлатимиз ва ҳукуматимизнинг



ган чақалоқлар келгусида буюқ инсонлар, Ватанимиз қорига ярайдиган шахслар бўлиб камол топишига ишонаман, — дейди тажрибали ҳамшира Шаҳноза Ҳошимова. — Негаки, улар давлатимиз ва ҳукуматимизнинг

Ўқидингизми?

ЎқИБ ЁКА УШЛАЙСИЗ



■ "Адолат йўли" газетасининг навбатдаги сонидида "Келиннинг пластик карточкаси қайнотасида нима қилади?" сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда ҳаётини воқеалар баён қилинган бўлиб, ҳам қуласиз, ҳам қуясиз.

"УДДАБУРОН" ОТА АДАШДИ



■ Ўғлининг ҳарбий хизматчи бўлмоқчилигини эшитган ота уни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш пайига тушди. Бунинг учун "қўллаб" юборадиган таниш-билиш қилдири.


Ҳожатбарор топилди. "Уддабурон" ота белгиланган манзилда келишилган пулни топшираётган пайда у ҳам, таниши ҳам ашёвий далиллар билан қўлга олинди. "Пул бор — иш битди деганлар адашади" деб ёзади "Маънавият" газетаси.

ХУШҲАБАР 425 КИШИГА ЕТИБ БОРДИ



■ Ўзбекистон туманилик Рашидахон Аҳмедова 1925-1991 йилларда мамлакатимизда мавжуд бўлган курорт ва санаторийлар тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борди. Шу мавзуда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эришди. Бу ҳақида 425 нусxada чоп этилаётган "Яйпан овози" газетаси хабар берди.

ҚИШЛОҚДАГИ КОРХОНАГА ХОРИЖДАН БУЮРТМА ТУШМОҚДА



■ "Тошлоқ тонги" газетасининг ёзишича, туманининг "Янгийул" маҳалла фуқаролар йиғинида иш бошлаган "Сарвиноз Машхура шод дил" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган аёллар ва болалар кийим-кечаклари Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Хорижий ҳамкорларнинг буюртмасини бажараётган 100 нафарга яқин хотин-қизларнинг даромади ошиб бормоқда.

ФЕРУЗА ХУРСАНДЗОДА ХУРСАНД



■ "Чўлпон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Феруза Хурсандзода тадбиркорлик фаолиятига қизиқади. Аммо унга кўмак керак эди. Қувасой шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Р.Раҳимжонов ёш қизнинг тикув машинаси сўралган мурожаатини қаноатландирди. "Исфайрам" газетаси Ферузaxonнинг қувончини газетхонларга улашди.

ЙЎЛ ҲАҚИ ҚАНЧА?



■ "Бувайда кўзгуси" ўз саҳифасида "Йўл қанча ҳақи: қаерга, қанча?" дея бонг урган эди. Аччиқ, аммо очиқ гапни қўллаб-қувватлаган хатлар оқими кўпайди. Газета "Йўл ҳақини ким белгилайди?" сарлавҳаси остида мавзуга қайтди. Тахририятнинг мақсади: қиракаш ҳам, йўловчи ҳам азият қечмасин.

Рустам ОРИПОВ.

Маърифат йўлида

Саводхонлик байрами



Фарғона туманидаги 53-ўрта таълим мактаби 1-"А" синф ўқувчилари саводхонлик байрамини нишонладилар. Мусиқа садолари, ота-оналар ва устозлар олқишлари остида саҳнага миллий либослардаги жажжи ўқувчилар кириб келишди. Улар икки чорак мобайнида олган билимларини бийрон тилларида ифода этдилар. "Алифбе"даги харфларга, сон ва тиниш белгиларига ҳикматли орқали таъриф беришди.

Тадбирда Дилхўшбек Фозилов, Ҳонзода-Бегим Турсуналиева, Озодбек Уктамов, Шодийёр Бахтиёров сингари ўқувчилар бахтиёр болалик, она Ватани мадҳ этган шеърларни ёд олишди, қувноқ кўшиқ, рақслар ижро этилди. Ота-оналар мактаб маъмурияти, бошланғич синф ўқитувчиси Муниса Ҳайдаровага миннатдорчиликларини билдиришди.

Диёра ФОЗИЛОВА.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан "Бувайдада китобхонлик ойлиги" ўтказилиб, раҳбар ва ходимлар Навоий, Бобур ғазаллари, рубоийларидан ёд олдилар. "Навоийни қай даражада биласиз?" мавзусида аҳоли иштирокида суҳбатлар ўтказилди.

Ижодий кеча

Китобхонлик ойлиги доирасида тумандаги 44-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Гулчехра Асранованинг ижодий кечаси ўтказилди. Унда адабнинг "Ота уйим оқшомлари", "Осмонини топанг қуш", "Останангда турибман, дунё" номли китоблари тақдими бўлиб ўтди. 16-умумий ўрта таълим мактабидаги ана шундай адабий тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бир неча шеърини китоблар, "Самарбону" номли дoston, фантастик хикоялардан ташкил топган "Тунги шарпалар" асарини муаллифи Каримабегим Ашурова иштирокида ташкилланди.



Б. АБДУРАЗЗОҚОВА, Бувайда тумани Ахборот-кутубхона маркази раҳбари.

МАРДОНА – танлов ғолиби

Мардонахон Расулова фарғоналик истеъдодли ёшлардан бири. У Риштон туманидаги 34-умумтаълим мактабининг 8-синфида таҳсил олмақда.



2021 йил 5-9 февраль кунлари Россия Федерациясида бўлиб ўтган "Санъат сайёраси" халқаро ижодий танловда онлайн тарзда иштирок этиб, тенгқурлари орасида халқ чолғулари йўналишида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

— Танловдан олган таассуротларим жуда ажойиб. Беллашувда ўзимга бўлган ишончим ортди. Мени доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ота-онамга ва устозим Меҳрихон опага раҳмат айтаман, — дейди Мардонахон Расулова.

У яқинда ўтказилган Муҳиддин Қори-Ёқубов номидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол иштирок этиб, олий даражадаги диплом билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

Бу спектаклни кўринг!

Марғилоннинг марказий кўчаларидан бирида қад ростлаган мусиқали маком театри Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда илиқ ва самийини мулоқот, қизгин ижод жараёнига гувоҳ бўласиз. Актёр ва режиссёрлар ўртасидаги баҳс-мунозара, саҳнада машқ қилаётган раққосалар, мусиқа асбобларидан таралаётган дилтортар куйлар сизни санъат оламига етаклайди.

ИЛК МУҲАББАТНИ ЁДГА СОЛАДИ

Шокоржон Муродов асарини асосида режиссёр Ҳўжамберди Эгамбердиев сахналаштирган "Муҳаббат бўстони" мусиқали маком спектакли бошланишидаёқ томошабинни ўзига махлиқ қилади. Саҳна безаклари ҳам асарга ўзгача руҳ олиб кирган. Спектакль қалбингиз тубидаги илк муҳаббатингизни ёдга солади.

Спектаклда Шайх Санъон образиди ошқининг ишқ тафсилотлари ҳикоя қилинади. Тушида оташпарастлар ибодатхонасида бир қиз сайр қилиб юрганини кўрган Шайх Санъон Рим гўзали бўлмиш Тарсога илоҳий муҳаббат билан орқали боғланади. Бу севги уни хасталикка гирифтор этади...

— Бўш вақтим топилди дегунча театрга шошман. Бу спектаклни бир неча

мартаба кўрганман. Ҳар кўрганимда ўзимни бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис этаман. Ҳақиқий ишқ йўлида икки инсоннинг жон тақдирини таъсирли чиққан. Спектаклни томоша қилишни бошқаларга ҳам тавсия қиламан, — дейди Марғилон шаҳри, "Гулистон" кўчаси, 9-ўйда истиқомат қилувчи Мастураҳон Султонова.

Маком театр санъатининг бошқа турларидан бадиий мукамаллиги, куй ҳамда шакл тузилишлари пухта ишлангани билан фарқ қилади. У мусиқа, шеърини ҳамда рақс санъатини муҳассамлаштирувчи муштарак бадиий дурдон.

— Олийгоҳни тамомлаб, театрларда ишлаб келяман, — дейди актёр Азизбек Темиров. — Роль ижро этиш ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ҳар бир образнинг ичига ки-



риб боришга, унинг руҳиятида яшашга ҳаракат қиламан. Баъзида реал ҳаётда ҳам ўша асар қаҳрамонининг қиёфасидан чиқолмай қийналган пайтларим бўлади. Спектаклда Шайх Санъон образини ижро этдим. Бу ошқин роли ҳаётда ишқни деб адашмасликка чорлайди. Муҳими томошабинда катта таассурот қолдиради.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий айтганларидек, театр ҳақиқатан ҳам ибратхона, кутлуг

тарбия ва маърифат маскандир. Театр томошабин билан файзли.

Маком кўшиқлари Навоий, Фузूलӣ, Феруз, Мунис, Огаҳий ғазалларига бастанланган бўлиб, илоҳийлик куй орқали кўшиқча кўчиб ўтган. Айнан шу жиҳат маком театрининг дунё мусиқалари орасида нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

	<p>МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati MChJ</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</p> <p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Оффсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета тахририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.</p> <p>Босишга топшириш вақти: 19.00. Топшириш вақти: 19.00.</p> <p>Буюртма: 227 Индекс: 7521 Адади: 9 606</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p> <p>Саҳифаловчи Алишер Розиков.</p>
--	--	---	--	--	--

Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.

Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир Шоҳсанам Эшматова.

Газета сифати учун босмахона масъул.

